

Амударёнинг куйи ўзанидаги кейинчалик Хива хонлиги пайдо бўлган ҳудудда жойлашган Хоразм сугорма дехкончиликнинг фаровон ўлкаларидан саналарди. Сахро ва чўллар уни ташки оламдан узиб қўйган эди, бу ҳолат эса Хоразмга узок вақт мобайнида мустакил сиёсат юритиш имконини берди. Хоразм Ислом тарихида хижрий 93 йилдан, Кутайба ибн Муслим етакчилигидаги араб фотиҳлари кириб келганидан эътиборан тилга олина бошлади.

Хижрий тўртинчи асрда Амударёнинг сўл соҳилидаги Гурганж (Урганч) шаҳри катта иктисодий ва сиёсий аҳамият касб этди. Ўша пайтда у Сибир ва Русия жанубидан чўллар орқали келадиган карвон йўлларининг сўнгги бекати эди. Маҳаллий Маъмунлар сулоласи хижрий 385 йили Афригийларни ағдариб, ўзига “хоразмшоҳлар” унвонини олди. Аммо Маъмунийлар ҳкумронлиги узок давом этмади ва Хоразм расман Сомонийлар қўл остида қолди. Хижрий 408 йили Махмуд Газнавий Хоразмни ўз салтанатига қўшиб олишга қарор қилди ва Маъмунийлар ҳукмронлиги нихоясига етди. Тахминан йигирма йилча Хоразмда газнавий ҳокимлар ҳукмронлик қилишди. Хижрий 432 йили Исмоил Хандон ибн Олтинтош ҳокимлик қилган вилоят ўғуз ҳукмдорларидан, Сирдарё соҳилидаги Жанда шаҳри ҳокими Шох Малик қўлига ўтди, аммо ўша йилиёқ Шох Маликни салжукийлар ағдариб ташлашди ва Хоразмга ўз ҳокимларини тайинлай бошлашди. Хижрий 470 йиллар атрофида Ануштегин Жарчой Хоразм ҳокими этиб тайинланди. У салжукийлар султони Маликшоҳ саройида ҳаммомлар назоратчиси вазифасида эди. У салжукийларнинг газнавийларга қарши урушида иштирок этди. Урушда одинига салжукийлар мағлубиятга учрашди, кейинчалик эса, зафар қозонишди. Бунда Ануштегиннинг хизмати катта эди. Султон Маликшоҳ миннатдорчилик рамзи сифатида унга Хоразм ҳукмронлигини топширди. Ануштегин Хивада ўз вазифасини бажаришга қиришди ва умри охиригача ҳокимлик қилди.

Хижрий 490 йили у вафот этганидан кейин ҳокимият қисқа муддатга турк волийларидан Экинчи ибн Кўчкор қўлига ўтди. Кейинроқ вилоят ҳокимлигига Ануштегиннинг ўғли Кутбиддин бош бўлди. У тадбирли киши эди, шу боис салжукийлар султони Берка Яруқ уни Хоразм ҳокимлигида қолдириб, уни шох унвони билан шарафлади. Хуросон устидан назорат салжукийлардан Санжар қўлига ўтгач, у ҳам Кутбиддиннинг ваколатини тасдиқлади.

Унинг ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрда Самарканд ҳокими мусулмон динига тўғри келмайдиган ёвузликларни қилди. Шунда у қўлга олиниб, қозилар маҳкамасига тортилди ва ўлим жазосига ҳукм қилинди.

Хижрий 521 йили Кутбиддин ўрнини унинг ўғли Отсиз эгаллади. У бошда отаси сиёсатини давом эттирди, кейинчалик эса салжукийларга қарамликдан қутилишга интила бошлади. Султон Санжар уни тахтдан четлатди, аммо қўп ўтмай Отсиз Хоразм устидан ҳукмронликни қайта қўлга олди. Ҳукмронлигининг охириги йилларида у қудратли подшоҳга айланди, унинг ҳукмронлиги Форс ва Ҳузистондан ташқари мусулмон дунёсининг бутун шарқий ўлкаларига ёйилди. Отсиз вафотидан кейин хижрий 551 йили унинг ўғли Ил-Арслон ҳокимиятга қолди. Унинг ҳукмронлиги даврида давлат чегаралари аста-секин кенгая борди, Хоразм осойишта ва гуллаб-яшнаган диёрга айланди.

Хоразмшоҳлардан Ил-Арслон хижрий 567 йили вафот этди.

Ҳукмдор вафотидан кейин тахтга унинг норасида ўғли Султоншоҳ Муҳаммад ўтирди.

Унинг онаси ўғли номидан мамлакатни бошқарди. Лекин ўша йилиёқ Муҳаммаднинг акаси

Алоуддин Текеш Хоразмда ҳокимиятни қўлга олди. Хижрий 590 йили салжукийларнинг Ирокдаги давлатини тугатди, сўнгги салжукий султон Тўғрул Иккинчи ўлдирилди. Хижрий 596 йили Текеш ўрнини унинг ўғли Алоуддин Мухаммад эгаллади. 605 йили у Хиротни эгаллади ва гурийлардан Гиёсиддин Махмуд билан жанг килди. Махмуд мағлубиятга учраб, ўлдирилди. Шундан кейин Мухаммад Мовароуннахр шимолидаги Хатига бостириб бориб, маҳаллий кабилаларга какшатгич зарба берди. 611 йили у Кирмон, Мижрон, Синдни эгаллади, 612 йили эса Газнани қўлга киритди.

Ўз давлати чегараларини хийла кенгайтириб олган Алоуддин Мухаммад Ислом оламида бир вақтлар салжукийлар эгаллаган мартабага даъвогар эди. У халифа Насрдан алоҳида маком талаб килди, бироқ у Мухаммаднинг талабини кондиришдан бош тортди. Шунда Мухаммад ўз мамлакатида аббосий халифа Наср номини хутбага қўшиб ўқишни тақиклади, шиаликни қабул этганини эълон килди ва Али ибн Абу Толиб авлодларидан бирини халифа деб тан олди. Шундан кейин у халифа Насрга қарши юриш бошлади, бироқ Бағдодгача етиб боролмай, ортига қайтди.

Айнан Алоуддин Мухаммад олдинига мўғул савдогарларни, кейинроқ Чингизхон элчиларини ўлдиришга фармон бериб, мўғулларнинг бостириб киришига сабабчи бўлди. Шу сабабдан мўғуллар босқини бошланиб кетди ва бу нафакат хоразмшоҳлар давлати, балки бутун Ислом оламига катта фожиага айланди. Алоуддин Мухаммад мўғулларни тўхтатиб қололмади ва улар Хуросонга бостириб киришди. Хоразм шоҳи Каспий денгизидаги ороллардан бирига қочишга мажбур бўлди ва хижрий 617 йили ўша ерда вафот этди. Унинг ўғли ва меросхўри Жалолиддин Мангуберди ҳам у билан қочди, Орадан икки йил ўтиб Хоразмга қайтиб келди ва мўғуллар билан жанг килди. Аммо мағлубиятга учради ва қолган-қутган аскарлари билан Хиндистонга қочди. Бу гар мўғуллар уни таъқиб қилишга тушди ва Жалолиддин аскарларидан қўпи Хинд дарёсида қўқиб кетди.

Кейинчалик Жалолиддин Мангуберди Хоразмга қайтиб, Гурганжни эгаллади. У барча мусулмон ҳукмдорларни мўғулларга қарши бирга жанг қилишга қорлади, аммо улар саркарда даъватига жавоб қилишмади. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керак, Жалолиддиннинг ўзи укаси Гиёсиддин, аббосий халифа, Кирмон ҳокими ва туркманлар билан душманлик қайфиятида эди.

Орадан қўп ўтмай, Жалолиддин яна мўғуллардан енгилди ва яна қочишга мажбур бўлди. У хижрий 629 йили Курдистонда бир дехкон томонидан ўлдирилди. Хоразмшоҳлар ушбулар эди: Алоуддин Отсиз (521/1127-551/1156); Абул Фатх Ил-Арслон (551/1156-567/1172); Алоуддин Текеш (567/1172-596/1200); Алоуддин Мухаммад (596/1200-617/1220); Жалолиддин Мангуберди (617/1220-629/1231).

Ойдин Ориф ўғли АЛИЗОДА,
фалсафа фанлари доктори (Боку).